O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 8 сентябрь, № 177 (4076) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги 520-сонли қарори билан тасдиқланган 2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш чора-тадбирлари Дастури доирасида жамиятнинг ушбу муаммога эътиборини оширишга қаратилган чора-тадбирлар рўёбга чиқарилди, ёлғиз кекса фуқароларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли ишларни олиб боришда давлат муассасалари билан жамоат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шериклик мустаҳкамланди ва кенгайди. 8 минг нафарга яқин ёлғиз пенсионер ва ногиронлар яшаб турган 33 та "Саховат" ва "Мурувват" уйларининг моддий-техника базаси яхшиланди.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурини бажариш юзасидан аҳолининг ижтимоий ночор, шу жумладан ёлғиз кекса кишиларга ёрдам кўрсатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 1,9 минг нафар ёлғиз фуқароларнинг уй ва хонадонлари таъмирдан чиқарилди, кам таъминланган оилалар ва кексаларга 5 млрд. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронларга, шунингдек кўп болали оилаларга берилган ижтимоий ёрдам ҳажми 47 млрд. сўмдан кўпроқни ташкил этди.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги ижтимоий технологияларни жорий этиш асосида уларнинг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ қондириш мақсадида:

1. 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин. Унда қуйидагилар назарда тутилади;

ёлғиз ногиронлар ва кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;

ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш, геронтология ва гериатрия соҳасида кўрсатилаётган ёрдам сифатини, шунингдек уй-жой - маиший шароитларини яхшилаш;

"Саховат" ва "Мурувват" уйлари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини татбиқ этиш.

(Давоми 2-бетда).



Бунча гўзал бўлмасанг, Тошкентим — онам!

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатиш (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 сентябрь
№ ЎРҚ — 44

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатиш (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 сентябрь
№ ЎРҚ — 45

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистоннинг мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига энг самимий табрикларни йўллашдан беҳад бахтиёрлигимни маълум қиламан.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, дўст халқингизга муттасил тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Юксак эҳтиром ва ҳурмат билан,

Муҳаммад Ҳусний МУБОРАК,
Миср Араб Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва ўзбек халқига ўз номимдан ва Мали халқи номидан самимий табриклар йўллаш шарафига муяссарлигимдан бахтиёрман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва Мали ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигимни билдираман.

Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, ўзбек халқига муттасил тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Камоли эҳтиром ила,

Амаду Тумани ТУРЕ,
Мали Республикаси Президенти.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Мамлакатингиз мустақиллик куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийлари ва Ўзбекистон халқига ўз номимдан ва Баҳрайн халқи номидан самимий табрик ва эзгу тилаклар йўллаш шарафига муяссарлигимни билдираман.

Сиз, Жаноби Олийларидан энг эзгу истакларимни қабул қилишингизни сўраб, Сизга мустаҳкам соғлик ва бахт-саодат, мамлакатингиз халқига доимий тараққиёт ва фаровонлик тилаб қоламан.

Ҳамад бин Иса Ол ХАЛИФА,
Баҳрайн Подшоҳи.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий мустақиллиги кунини нишонлаётган бир пайтда Сиз, Жаноби Олийларига ҳамда Сизнинг барча ватандошларингизга самимий тилакларимни изҳор этаман.

Ўз тоат-ибодатларимда ўзбек халқининг бутун мамлакат аҳолиси иқтисодий, ижтимоий ва маънавий тараққиётдан баҳраманд бўла олиши учун миллатни жипслаштириш ва турли миллатларни ҳурмат қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларида Яратган эгамнинг ўзи мададкор бўлишини илтижо қилмоқдаман.

Парвардигордан Сиз, Жаноби Олийларидан ва мамлакатнинг барча фуқароларидан ўз марҳаматини аямаслигини сўраб қоламан.

БЕНЕДИКТ XVI,
Рим-католик черкови раҳбари.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент Жаноблари,

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги куни нишонланиши муносабати билан шахсан ўз номимдан ҳамда Сербия Республикаси фуқаролари номидан самимий эзгу тилакларимизни йўллайман.

Ишончим комилки, ҳамжиҳатлик ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқаларимиз келгуси йилларда чуқурлашиб бораверади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган ғоят юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Борис ТАДИЧ,
Сербия Республикаси Президенти.

Битта гап

Асқар МИРЗАҲМЕТОВ, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси:

Ўзбекистон ҳақидаги илк таассуротларим болалигимдан қолган. Асосий таассуротлар эса, ажойиб пойтахтингиз ва қадимий шаҳарларингиз, уларнинг ўзига хослиги, шарқона қиёфаси, одамларнинг меҳмондўстлиги ва эзгу ниятли эканлиги билан боғлиқ. Ва энг муҳими, шуни таъкидламоқчиманки — бу ўзбек халқининг меҳнаткашлиги.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида

7 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Р. Азимовнинг маърузаси тингланди. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатлар мамлакатнинг асосий молиявий ҳужжати биринчи ярим йилликда даромадлар харажатларидан юқори этиб ижро қилинганлигини, Вазирлар Маҳкамаси бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, солиқ тушуми механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан аниқ чоратадбирлар кўрганлигини таъкидлаб ўтдилар. Ҳукумат томонидан бюджетнинг биринчи навбатдаги харажатларини, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган қатламларини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни молиялаш ҳам тўлиқ ва ўз вақтида таъминланди.

Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2006 йил биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Тешаев тақдим этди. Мазкур ҳужжат моддама-модда кўриб чиқилиши вақтида депутатлар уни такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар баён қилдилар. Киритилган ўзгартишларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А. Рустамов «Йод етишмаслиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва ҳужжатнинг ҳар томонлама муҳокамасидан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси А. Жумаев тақдим этди. Мажлисда сўзга чиққан депутатларнинг фикрларини эшитиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси М.Тешабоев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг халқаро ва парламентлараро алоқалар соҳасида 2006 йилнинг иккинчи чорагидаги иши ҳақидаги ахборот билан сўзга чиқди. Депутатлар халқаро ва парламентлараро алоқалар соҳасидаги ишни янада такомиллаштириш бўйича қатор таклифлар киритдилар ва ахборотни маълумот учун қабул қилдилар.

Депутат сўзи

БУ КУРАШДА ОГОҲЛИК ЗАРУР

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимда ҳаммамизнинг кўнглимиздаги гапларни изҳор қилдилар. Табрик нутқида Ўзбекистон кўзлаган мақсад-манзиллар очиқ ва равшан баён этилди. Демак, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимизнинг ҳаётини ҳеч кимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон ҳамжамияти, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ҳамкорликда тинч ва тотув ҳаёт кечириш кўнглимизда туғилган ёруғ режалардир.

Ана шу эзгу манзиллар сари интилишда Ватанимизнинг ҳар бир фуқароси, ҳар бир фарзанди шай туриши бениҳоя муҳимдир. Буни Ўзбекистондан ташқарига чиққанда, айниқса, юракдан ҳис этамиз. Шу маънода мамлакатимиз парламент делегацияси таркибида бир неча Европа давлатлари бўйлаб ташриф мобайнида кўнглимда туғилган фикрларни баён этишга жазм қилдим.

Сафар чоғи, очиғи, кўнглимизни ажиб ҳислар, қувонч ва ҳаяжон тарк этмади. Бизга пешвоз чиққан сиёсатдонлар Ўзбекистонда икки палатали парламент жорий этилганини улкан ижтимоий-сиёсий ютуқ деб баҳолашди. Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги сари ҳақиқий демократик йўл билан дадил боришда бу янгиланиш хавфсизликни тўлиқ таъминлайдиган, халқ ва давлатнинг жипслашувида муҳим омил эканлигини улар эътироф этдилар.

Лекин «ҳар каллада ҳар хаёл» деганларидек, баъзи сиёсатчилар яна тўнларини тескари кийиб, тирноқ остидан кир қидиришга туша бошлаганларида бўлажак мунозаралар осон кечмаслигини ҳам сездик. Баъзи ҳолларда масала моҳиятини батафсил тушунтириб беришга тўғри келди.

Айтайлик, Португалия парламентининг йирик намояндаларидан бири шундай гап қотди: «Биз Ўзбекистон энди мустақилликка эришган пайтларда мамлакатингизда бир ҳолатнинг ғувоҳи бўлиб ажабланган эдик. Ўшанда биз билан юртингизга борган Туркия мудофаа вазири ўзбек аскарлари билан бемалол сўзлашган бўлса, Ўзбекистоннинг мудофаа вазири ўринбосари ўз аскарлари билан рус тилида гаплашган эди. Ҳозир ҳам кескин ўзгариш бўлмагандир?»

Биз эса тарихан қисқа муддатда юртимизда ўз тилимизни тиклаш, динимизни, миллий ғуруримиз, азалий қадриятларимизни қайтариш борасида нақадар улкан ишлар амалга оширилганини ғурур билан гапириб бердик. Бу ҳали зафарий йўлимизнинг дебочаси эканлигини айтдик. Фикримизни ҳаётий мисоллар орқали изоҳлаганимиздан сўнг меҳмонлар тўғри хулосага келишди. Рост-да, Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиб юборишга киришган чоғимизда қўлимизни боғлаб, йўлимизга тўғаноқ бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келганини улар қаердан билсинлар.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

2. Вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

бир ой муддатда тасдиқланган Дастурни амалга оширишда масъул ижрочилар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхона ва ташкилотларнинг баҳамжиҳат фаолиятини таъминлаш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласин;

Дастурнинг ижро этилишини ва ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш даражасини мунтазам равишда кўриб чиққан ҳолда уни яхшилаш бўйича тегишли қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқсин. Ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача Дастурни амалга ошириш якунлари ва бориши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий ахборот бериб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили инвестиция дастури ва бюджетни шакллантиришда, ёлғиз фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга, ижтимоий таъминот тизимидаги объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга, кексалар ва ногиронларнинг уй-интернатларини жиҳозлашга, шунингдек Дастурга киритилган бошқа тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган зарур капитал қўйилмалар лимити ва маблағларни назарда тутсин. Бунда мазкур мақсадларга ҳомийлар маблағларини кенг жалб этиш назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурда назарда тутилган барча тадбирларнинг тўлиқ ва сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чора-тадбирлар қабул қилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва Р.Қосимов зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 сентябрь

БУ КУРАШДА ОГОҲЛИК ЗАРУР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Икки юз йиллик бақувват давлат елкасидаги демократия билан ўн беш йиллик ўспирин давлат елкасига юкланган демократия орасидаги тафовутни соғлом идрокли инсонгина фарқлай олади. Баъзи сиёсатчилар, чет эллик мухбирлар аравани қуруқ олиб қочиб, бу қонуниятни атайин билмасликка оладилар.

Ўзбекистон ўта муҳим геосиёсий муҳитда жойлашганлиги, Буюк Ипак йўли айнан юртимиздан ўтганлиги, бой геологик захиралар ва ишлаб чиқариш имкониятлари кўпчилик давлатларни ўйлантириб, бу ерга ўз таъсирини ўтказишнинг турли пок ва нопок йўлларини пинҳона ўйлашга мажбур қилади. Дўст деб барчага бағрингни очавермаслик, огоҳ бўлишликка бизни Амир Темур бобомиз ўгитлари даъват этади.

Бир нарса менга жуда таъсир қилиб, кўнглимга ғурур беради. 90- йилларда чет эл сафарлари чоғида ташрифномаларимизни ҳеч ким сўрамасди. Бизга қизиқиш кам бўлиб, нималарга қодирлигимизни билмас эдилар-да. Ўшанда ҳамсуҳбатлар биз билан музокара чоғида нуқул ўз маҳсулотларини бизга сотиш пайида бўлишарди. «Сизларнинг иқтисодиётингиз, ишлаб чиқаришингиз ҳали жуда заиф. Жаҳонга маъқул маҳсулот ишлаб чиқаришларингга кўп қовун пишиғи бор», дердилар. Биз улардан ишлаб чиқариш ускуналарини, техникаларини кўрсатишларини талаб қилавериб чарчамасак, улар маҳсулотларини тиқиштириб чарчамас эдилар. Лекин энди аҳвол мутлақо бошқача. Мана, энди бугунга келиб улар «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси остидаги маҳсулотларни кўриб тан беряптилар.

Парламентимиз делегацияси ташрифи чоғида бизни Ўзбекистонга берилаётган ижобий баҳолар жалб қилди. Европадаги сиёсий доира вакиллари Ўзбекистон элчихоналари ва халқаро ташкилотларда хизмат қилаётган ўзбек йигит-қизларимизнинг муомала маданияти, муносабати юз йиллик дипломатия тажрибасига эга бўлган давлатлар элчихона ходимларидан ўзгача бир нафислик, истара ва олийжаноблик билан ажралиб турганлигидан ҳайратланаётганликларини эътироф этдилар. Улар «Сизлар Европа дипломатиясига кириб келгач, ҳақиқатда ҳам, «Шарқ – нозик масала. Унда гап кўп» деган қанотбахш ибора нақадар тўғри эканлигига ишондик» дедилар. Яна бир мисол: Франция парламенти аъзосининг бир гапи эса қалбимизни тўлқинлантириб юборди. *«Биз фақат давлат мадҳиямиз янграган пайтдагина қўлимизни кўксимизга босиб турамиз. Сизларда эса ҳар доим қўлингиз кўксингизда экан. Бу эса ўз жозибаси билан ҳаммани мафтун этмоқда. Биз ҳам шуни ўрганаяпмиз.»*

Ўзбекистонда ёшларга ғамхўрлик — бу бюджетимизнинг эллик фоиздан ортиғини ижтимоий соҳага — боғча ва мактаблар, коллеж ва лицейлар, улкан спорт иншоотлари қурилишига сарфлаётганимиз ҳам кўрсатиб турибди. Бундай эътибор жаҳонда ҳали бирор давлатда кузатилган эмас. Ҳаёт кўрсатиб турибдики, маънавиятдан тежаб бўлмайди. Ҳарбийлар тилидаги «Ким ўз армиясини боқишни истамаса, ўзга давлат армиясини боқишга мажбур» деган ибора айнан шу маънони беради.

Баъзи ғоявий душманларимиз ич-ичидан «Қанийди, Ўзбекистон ёшлари ўз тарихини унутиб юборсалар, ўзлигини, ўз негизидан узилиб кетсалар», деб ният қилишларини сездик.

Ҳеч кимга сир эмас, олис Европада ёшлар кўп нарсага лоқайд бўлиб, миллий ғурур ва завқ-шавқсиз воягa етмоқда. Ўша давлатларнинг бирида «Ўлим кўприги» деган жой бўлиб, унда тушкунликка тушган, маънавий инқирозга учраган, ички ва гиёҳвандликда тубанлашган, ҳаёт маъносини йўқотган ёшлар ўзларини нобуд қилар экан. Европа ва ғарб маънавий инқирозининг яна бир ифодасини эса Ироқ урушидан сўнг ғарбнинг офицер даражасидаги ҳарбийлари асирлар устидан ўйлаб топган таҳқирлаш усуллари ҳам кўрсатиб берганда бутун жаҳон ҳайратга тушган эди.

Австрия парламенти аъзоси суҳбат орасида «Менинг уч фарзандим бор, улар чет элларда ўқияптилар. Улар билан кўришмаймиз ҳам. Бир ўзим ёлғизликда яшайман» деган сўзларни айтди. Биз *«Ўзбекистонда ҳар қандай шароитда ҳам оилада, албатта, бир фарзанд ота-онаси билан муқим яшайди. Фарзанд ўз ота-онасини «Қариялар уйи»га бериши — гуноҳи азим саналади»* деганимизда қаттиқ ҳайратга тушди.

Европа давлатлари парламент аъзолари биздаги маҳалла ҳаёти ҳақида эшитиб ҳайратландилар. «Бизда юз йиллар давлатчилик мавжуд бўлса-да, лекин сизлардагидек «Маҳалла» тушунчаси бўлмаган» — дедилар. Айрим калтабин экспертлар «Ўзбекистонда демократия бўғилаяпти. Инсонлар эркин яшашларига маҳалла идоралари йўл қўйишмаяпти», деб айюҳаннос соляптилар. Лекин ўша «доно» англамайдики, ўзларида эр-хотин урушиб қолса, дарҳол суддага юз йиллар давлатчилик мавжуд бўлса-да, лекин сизлардагидек «Маҳалла» тушунчаси бўлмаган» — дедилар. Айрим калтабин экспертлар «Ўзбекистонда демократия бўғилаяпти. Инсонлар эркин яшашларига маҳалла идоралари йўл қўйишмаяпти», деб айюҳаннос соляптилар. Лекин ўша «доно» англамайдики, ўзларида эр-хотин урушиб қолса, дарҳол суддага югуриб борадилар. Бизда эса бундай масалалар аввал маҳаллада ҳал қилинади. Ахир бизда ору-номус деган нарса бор. *Оқсоқоллар, кексаларга ҳурмат-иззат бизда эътиқод даражасига кўтарилган.*

Европа давлатлари парламент аъзолари биздаги маҳалла ҳаёти ҳақида эшитиб ҳайратландилар. «Бизда юз йиллар давлатчилик мавжуд бўлса-да, лекин сизлардагидек «Маҳалла» тушунчаси бўлмаган» — дедилар.

Ён қўшниларимиздан бирида бўлиб ўтган фожиалардан сўнг ўзини «Демократия жангчилари» деб атаганлар раҳбарнинг юзига тик қараб: «Аввалги президентни 4 соатда олиб ташлаган эдик. Агар айтганимизни қилмасанг, сени ҳам тинчитамиз» – деб дағдаға қилганлари ўша «демократия»нинг жирканч кўринишидаги эмасми?! Албатта, уларнинг бу безбетлиги ортида узоқ-узоқларга бормай туриб, аниқ ахборотларни қаердан олар эдинг, деб сўраганимда у: «Мен фақат кўчадан эштганимни зудлик билан ,чет элга жўнатар эдим. Хўжайинларим эса уларнинг ичидан ўзлари учун қулайларини ажратиб олиб, эфирга узатар эдилар, гоҳида узатган ахборотимни ўзим ҳам таний олмай қолар эдим. Афсуски, у кунлар тез тугади» деб жавоб берган экан.

Улар итдек ўз хўжайинларига садоқат кўрсатадилар. Албатта, бундай садоқат тагида катта моддий манфаат ётади. Итларнинг шундай тури борки, тўсатдан орқангдан оёғингга ташланиб қоладики, эҳтиёт бўлмасанг, тишлаб олиши ҳам ҳеч гап эмас. 'Бундай тоифа одамлар ҳаётда ҳам, сиёсатда ҳам учраб турадди. Лекин сиёсатдагиси хавфли. Оқ ит, қора ит — барибир ит-да. Жамиятда яна бир тоифалар борки, агар давлат унга мансаб берса, боши осмонга етиб гердайиб юради-ю, лекин халққа хизмат қилишни эплай олмай, ишдан бўшатилса, давлатдан аразлаб, хафа бўлиб, қора ниятда ичига заҳар йиғиб юради. *Фақат Ватан ривожини чин дилдан истаган шахсларгина ҳар қандай жабҳада ва ўринда давлатга елкадош бўлиб туриб беради.* Ниятимиз — икки азим дарё оралиғидаги давлатни Азим диёрга, Бутун диёрга айлантириш. Жангга кираётган қўшин доимо энг сўнгги сафдаги аскар тезлигига қараб ҳужумга ўтади. Бўлмаса олдинги сафлар олға кетиб қолиб, узилиш пайдо бўлиб, парокандаликка учраш мумкин. Шу сабабли сафларимизда, жамиятимизда бўшанг аскару-инсонлар бўлмаслиги, барча ўзини кураш жабҳаларида шараф билан туриб беришга сафарбар қилмоғи лозим. Бу сиёсатга ҳам, фанга ҳам, санъатга ҳам, спортга ҳам ва бошқа барча соҳаларга ҳам тааллуқли.

Даврлар ўтаверади. Келажакда Ўзбекистон янада ўсиб-улғаяверади. Лекин уни биринчи бўлиб мустақилликка олиб келиб, унинг заминини хору хаслардан тозалаб, нопокликлардан халос қилиб, буюк келажакка интилишида унинг ерига биринчи ишловни бериб, пок ниҳолларни экиб, ҳақиқий Бобо Деҳқон бўлиб уларни ёмғирли, қировли, селу шамолли, жазирамаю ташна бўлган паллаларида бутун вужудини паноҳ қилиб турган Юртбошиси — Йўлбошчисини барча тан олмай иложи йўқ.

Ватандан олисда турли миллат, дину мазҳабли ва мартабадаги сиёсатчилар-у оддий одамлар билан учрашганимизда кимдир Ўзбекистонни диний бағрикенгликда иккинчи Макка деса, кимдир илм-фан бешиги деди, кимдир қоҳиб-қиронлар юрти, деса, кимдир ақл бобида чемпионлар юрти деди, бошқа кимдир истараси офтобдек иссиқ одамлар юрти деса, кимдир жаҳондаги энг ширин-шакар мевалар юрти, деб таъриф қилди. Кўз — дил ойнаси, дейдилар. Бу сўзларда ҳеч бир муболаға йўқлигини уларнинг кўзларидан кўриб турар эдик. Юртимиз табиати гўзаллигию элимизнинг тантилигини эслаб шу юртимиз омон бўлсин, Юртбошиси тўйбоши бўлиб юраверсину, мусаффо осмонидан файзу барокат ёғилаверсин, деган ўйлар ўтади кўнглимдан.

Мунира КАРИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

"АГРОМИР"НИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Самарқанд туманидаги "Агромир" Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси иш бошлаганига яқинда 3 йил тўлди.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этилгани, шунингдек, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани боис, корхона иқтисодий салоҳияти юксалди.

Хусусан, мазкур корхонада бир кеча-кундузда 800 тонна помидор, 350 тонна мева қайта ишланиб, йилига 10 млн.дона шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Қўшма корхона раҳбари Умарқул Ҳамроқуловнинг сўзларига қараганда, жорий йилда Россия, Украина, Қозоғистон каби давлатларга 3 млн. 500 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинади.

СУРАТЛАРДА: "Агромир" қўшма корхонаси ҳаётидан лавҳалар.
Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Президент Қарори — олимлар нигоҳида

ФАННИНГ СТРАТЕГИК ВАЗИФАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 7 август куни «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорни имзолади. Мамлакатимизда сўнгги йилларда илмий-тадқиқот фаолияти самарадорлигини оширишга, ижтимоий ва иқтисодий ривожланишда, мамлакатни демократик янгилашда фаннинг ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз қабул қилган янги Қарор фан ва технология соҳасидаги ишларни янги сифат босқичларига кўтариши шак-шубҳасиздир.

Хўш, ушбу Қарорнинг республикамизда илм-фан ва технологияларни ривожлантиришдаги роли ва аҳамияти нимада? Унда илм-фан олдига қандай вазифалар қўйилган? Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштиришда Қарорда белгиланган чора-тадбирлар қандай самаралар беради?

Мазкур ҳужжат илм-фанни ривожлантириш ва олимлар фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга бағишланганлиги сабабли биз юқоридаги саволлар билан бевосита илм-фан намояндаларига мурожаат қилдик. Қуйида ана шу мутахассис шахсларнинг фикр-ўйлари билан танишасиз.

Шавкат АЮПОВ,
ЎзФА Математика институти директори, академик:

— Республикамизнинг илм аҳли, айниқса, Фанлар академияси олимлари давлатимиз раҳбарининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини кўтаринки руҳда ва катта умид билан қутиб олдилар.

Бир неча йил аввал жорий қилинган илмий тадқиқотларни грантлар асосида молиялаштириш ғояси умуман олганда ижобий, фаннинг бозор иқтисодиёти шароитларига мослашуви жараёнида муҳим қадам бўлган эди. Шу билан бирга, ушбу ғояни амалиётга татбиқ қилишда бир қанча камчиликларга йўл қўйилди. Хусусан, Фанлар академияси ва илмий-текшириш институтларининг республикада фундаментал фанни мувофиқлаштирувчи марказлар сифатидаги аҳамияти бир қадар сустлашди; майда мавзулардаги лойиҳаларини кўпроқ танловларга тақдим этган институтлар, натижада, каттароқ маблағга эга бўлиб, йирик лойиҳалар билан қатнашган жамоаларга қараганда устунликка эга бўлишди; йилнинг ҳар чорагида икки юқори ташкилотга (Фан ва технологиялар марказига ҳамда Фанлар академиясига) турли шаклларда ҳисобот бериш жуда катта расмиятчилик ва қоғозбозликка олиб келди; илмий лойиҳалар экспертизаси ва молиялаштириш жараёнида субъективизм (нохолисликлар)га йўл қўйилиш натижасида айрим халқаро нуфузга эга бўлган таниқли илмий мактаблар муаммоларга дуч келди; илмий лойиҳалар бажарилишининг мониторингида ҳам кенг илмий жамоа фикрининг аҳамияти пасайиб кетди ва ҳоказо.

Президентимизнинг мазкур Қарори бундай шароитда айни муддао бўлиб, юқорида қайд этилган камчиликларга чек қўяди. Энг муҳими, бу ҳужжат Фанлар академиясининг ҳамда Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг Раиси бўлмиш Академиямиз президентининг мавқеини анча юқорига кўтаради. Шунингдек, энди илмий лойиҳалар тақдирини тор доирадаги экспертлар эмас, балки илмий жамоанинг кенг қўламдаги муҳокамаси ҳал этади.

Бундан буён илмий лойиҳаларга Фанлар академияси ва тегишли вазирликларнинг буюртмачи бўлиши майда мавзулар танланишига, илмий лойиҳалар такрорланишига ва ажратилган маблағдан самарасиз фойдаланилишига чек қўяди.

Илмий кадрлар, аспирантура ва докторантура масалалари Фанлар академияси ва тегишли вазирликлар тасарруфига ўтказилгани ҳам ижобий қадам бўлди.

Фикримизча, илмий лойиҳаларни, дастурларни тайёрлаш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда аспирантура ва докторантурага доир Низомларни ишлаб чиқишда илмий жамоалар, институтлар томонидан берилган кўпгина таклифлар инобатга олиниши лозим.

Қарор Республикамиз Президентининг илм-фанга, унинг кадрлари салоҳиятини ривожлантиришга узлуксиз эътиборини яна бир бор юксак амалий даражада намойиш этди.

Зокиржон САЛИМОВ,
ЎзФА Умумий ва ноорганик кимё институти директори, академик:

— Президентимизнинг қарори илм даргоҳларида илмий-тадқиқот ишларини оқилона ва самарали ташкил этиш учун катта имкониятлар яратиб беради. Биринчидан, етук олимлар томонидан фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновация ишлари бўйича тайёрланган лойиҳалар бундан кейин илмий жамоа ичида ҳар томонлама ва чуқур муҳокамадан ўтказилади, уларнинг долзарблиги, илмий салоҳиятининг етарли эканлиги, моддий базанинг мавжудлиги, олинган илмий натижаларни амалиётга қўллаш мумкинлиги тўғрисида аниқ хулосалар тайёр бўлгач, шу асосда Илмий кенгашларда тавсия этиш имконияти юзага келади. Тавсия этилган ишлар Фанлар академиясида яна бир марта чуқур муҳокамадан ўтиб, сўнгра уларни молиялаштириш бўйича қарор қабул қилинади. Бундай талабчанлик илмий тадқиқотлар сифатини ва самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Иккинчидан, қарорда илмий-тадқиқот муассасаларида тайёрланган лойиҳаларни ишлаб чиқариш корхоналари, вазирликлар ва акциядорлик жамиятларининг илмий-техникавий кенгашларида кенг муҳокама қилиш вазифаси қўйилмоқда. Бундай шароитда танлаб олинган лойиҳаларнинг мавзулари фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг давлат миқёсидаги устувор йўналишларига қанчалик мувофиқлиги аниқланади. Учинчидан, бундай шароитда илмий-тадқиқот институтларида йирик лабораторияларга эҳтиёж янада ортади. Чунки мамлакат тараққиёти учун ўта зарур бўлган катта муаммоларни фақат кучли ва йирик илмий жамоаларгина ҳал қилиши мумкин. Тўртинчидан, ёшларни аспирантура ва докторантурага қабул қилиш эндиликда тўғридан-тўғри Фанлар академиясида ҳал этилиши илмий кадрлар сифатини қаратдим. Қарорда айтилганидек, олий ўқув юртларида республикамизда мавжуд фан докторлари ва номзодларининг 74 фоизи фаолият олиб бормоқда. Кўриниб турибдики, бу илмий тадқиқотчиликда катта куч. Аммо биз замон талаблари даражасида меҳнат қиляпмизми? Президентимиз имзолаган Қарор талабларидан келиб чиқиб, бу тўғрида жиддий ўйлаб кўришимиз зарур бўлади.

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда фан ва технологиялар ривожига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Ва бундай эътибор ўз самарасини ҳам бермоқда. Масалан, АҚШда миллий даромад ўсишининг 80 фоизга яқини фан-техника ютуқлари ҳисобига таъминланади. Японияда бу кўрсаткич 60 фоизга тенг. Хитойда, Жанубий Кореяда, Малайзияда ҳам фан ва техника ҳамда технологиялар ривожига ёндошувда давлат миқёсида туб бурилишлар кўзга ташланмоқда.

Мустақил Ўзбекистонимизда ҳам илмий-техника сиёсати энг илғор мезонларда изчил йўлга қўйилмоқда. Шахсан Президентимизнинг ўзлари бу борада улкан ташаббуслар билан чиқмоқдаларки, буни мамнуният билан таъкидлагимиз келади. Ҳозирнинг ўзида мамлакатимизда бундай сиёсатнинг самаралари яққол кўзга ташланиб турибди. Ўзбекистон фани, биздаги техника ва технологиялар ривожининг уфқлари порлоқ. Давлатимиз раҳбарининг янги Қарори фан ва технологиялар равнақи учун улкан истиқбол йўлларини очади. Ўзбекистон ҳам, вақти келиб, бу жабҳада ибратли қадамлари билан дунёда тилга олиниши шубҳасиздир.

Мэлс КАБУЛОВ,
Тиббиёт фанлари доктори, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори келгусида фан ва технологияни кенг миқёсда ривожлантириш истиқболларига хизмат қиладиган дастуруламал ҳужжатдир, Унда илмий-техникавий лойиҳаларни амалга ошириш ва жорий этиш, шакллантириш механизмини қайта қуриш, амалдаги экспертиза механизмини жиддий таҳлил қилиш ҳамда илмий мавзуларни молиялаштириш мезонларини замон талаблари даражасига кўтариш вазифалари белгилаб берилган. Ана шу муҳим ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш бўйича Қўмитанинг тузилиши ҳамда унга Фанлар академияси президенти раҳбарлик қилиши, айни муддао бўлди, деб ҳисоблайман. Чунки соҳанинг йирик пешқадам мутахассиси, унинг малакаси, тажрибаси Қўмита олдига қўйилган вазифаларни уддалашда жуда иш беради.

Мазкур Қарорнинг амалдаги ижроси жараёнида олимларимизда ижодий фаолликни оширишнинг янги омиллари вужудга келади, бу эса пировард натижада, улуғ ватанимиз — Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига олиб келади. Жамоамиз номидан, Президентимиз Ислом Каримовга ушбу дастурий қарорни қабул қилганлиги учун чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

М. САФАРОВ
ёзиб олди.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 7 сентябрь.
Фаррух Ҳамроев «Мустақиллик маънавияти»:

«Миллат шаъни ҳақида сўз борганда, мана шу миллатга мансуб бўлган ҳар қандай одам жонини қурбон қилишга тайёр туради. Миллат шаъни ҳимояси учун кураш дунёдаги энг адолатли кураш ҳисобланади. Миллат шаъни учун бутун умрини бағишлаш, керак бўлса, ўзини фидо қилиш маънавий комилликнинг юксак намунасидир».

«Ҳаёт» 7 сентябрь.
Иқбол Хумоюн «Кўзи очиқ» болалар»:

«Биламиз, клип — қўшиқнинг тасвирий шарҳи саналади. Аммо, муҳаббат ҳақидаги ўзбек қўшиқларида бу шарҳ узоқ «ўтмиш»дан бошланиши керак. Бунинг учун, клипнинг бошида худди ака-опаларидек, қўл ушлашиб, кўз сузишиб, ҳатто бир-бирининг пинжига кириб (минг бор узр) юрган қизалоқ билан болакай гавдаланади. Гўё бу дардли муҳаббат айнан ўша беғубор болалик пайтида бошлангандек. Хўш, бундай томошалар муддатидан анча илгари ўғил-қизларимизнинг кўзи очилишига сабаб бўлмайдими?».

«Оила ва жамият» 7 сентябрь.
Зулайҳо Мамирова «Ўғлимни топсам, армоним йўқ»:

«Меҳр кўзда»нинг шу йил мартдаги сони бўлса керак, чалароқ кўрдим. Кекса киши бир болани катта қилгани, ота-онаси ё яқинлари хабарини билсин, деб студияга келганини айтиб, боланинг расмини кўрсатди. Отасига ўхшатдиму ўғлим эканига ишондим. Лекин отахон ким эканлигини ва манзилини эшитолмадим.

Шу кундан бери Жамшиджонни излаш ҳисси менга тинчлик бермайди. Муддаом ўғлимни топсам, бу ҳаётда армоним йўқ».

«Афанди» 7 сентябрь.
Бахром Эрматов «Алдагани содда яхши»:

— Опажон, хафа бўлмангу фирибгарларга учрабсиз. Тезда пулларингизни қайтариб олинг. Бизда фақат тест имтиҳонларидан ўтаолганларгина ўқийди. Ҳеч қачон бизнинг академияга пул билан кирилмайди, — деди ректор.

Эртаси куни Жонгул Клара ва Фотмага учрашди. Афсуски улар Жонгулни аврашдан нарига ўтишмади.

Шундан сўнг у фирибгарларнинг устидан арз қилиб милицияга борди».

«Садо» 7 сентябрь.
Гулмира Мусажонова «Кўрсатувда янгилик ва енгиллик бўлиши керак!»:

«Инсоннинг холис меҳнати қачондир тақдирланаркан. Бу сохта камтарлик бўлмасин-у, ҳамма нарса одамнинг қилаётган ишига ва мақсадига боғлиқ. Шундай бўлса-да, мен ўз олдимга унвон олишни мақсад қилиб қўймаганман. Албатта, ҳар бир одам, айниқса ижодкор меҳнатининг ким томонидандир қадрланаётганини сезса, руҳланади».

«Диёнат» 7 сентябрь.
Бахромжон Ботиров «Ношукур банда»:

«Ҳайдовчи юрт тақдирига бефарқ бўлмаган, орияти кучли фуқароларимиздан экан, Шоҳобиддиннинг ҳай-ҳайларига қарамай, ички ишлар идорасига етказиб топширди.

27 ёшли якка тартибдаги хусусий тадбиркор Шоҳобиддин Тўйчиевнинг хонадонидан 22 дона «Ҳизб уттаҳрир» диний экстремистик оқимига мансуб варақалар топилди.

Йўқ, у ақлан заиф эмас экан, текширишди. Лекин, ният холислиги заиф бўлиб чиқди».

«ҲАМКОРБАНК» – 15 ЁШДА

1 сентябрь — «Ҳамкорбанк» жамоаси учун қўшалоқ байрам. Чунки у 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида 20-рақам билан рўйхатдан ўтиб, 1 сентябрдан ўз фаолиятини бошлаган. Дастлаб «Ҳамкорбанк»нинг 5-6 нафар ходими 20 га яқин мижозга хизмат кўрсатган эди, бугунги кунда эса республикамиз бўйича унинг 1000 га яқин ходими ва 50 мингдан зиёд мижозлари мавжуд.

БУНДАН ТАШҚАРИ:

- *«Ҳамкорбанк»нинг 9 та вилоятда 22 та филиали, 47 та мини банки ҳамда 82 та жамғарма шохобчаси ишлаб турибди.*
- *«Ҳамкорбанк» 1992 йилдан буён Россия Банклари ассоциациясининг республикадаги ягона аъзоси ҳисобланади.*
- *«Ҳамкорбанк» 2000 йилдан бошлаб Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молия ташкилотлари билан кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келмоқда.*
- *«Ҳамкорбанк» Фарғона водийсида биринчи бўлиб «Вестерн юнион» тизимида иш бошлаган бўлиб, ҳозирда пул ўтказмалари сони 5 тага («Вестерн юнион», «Анелик», «Контакт», «Тезкор почта» ва «Юнистрим») кўпайди, айни чоғда жамоа аҳли ўз мижозларига 30 дан ортиқ замонавий ва анъанавий банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.*
- *«Ҳамкорбанк» 1997 йилдан буён халқаро аудиторлик компаниялари томонидан текширувдан ўтказилади.*
- *«Ҳамкорбанк» ўз газетасига эга: у 2004 йил сентябрь ойидан «Ҳамкор-Пресс» номи билан нашр қилинаяпти.*
- *Устав фонди — 7,5 миллиард сўм.*
- *Активлари — 76 миллиард сўм.*

БАНКНИНГ ШИОРИ : «МИЖОЗ ДОИМО ҲАҚ»

Мижозлар ишончи оқланмоқда

Бугун мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида «Ҳамкорбанк» — ишончли ҳамкор» деган иборани кўп эшитиш мумкин. Банклар ўртасидаги рақобат кучайган бир пайтда бундай эътирофга сазовор бўлишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун жаҳондаги нуфузли банклар тажрибасидан унумли фойдаланилди. Мижозларга кўрсатилаётган замонавий хизмат турлари 30 дан оширилди. Жамоада очиқ чеҳра билан хушмуомала бўлишдан тортиб, уларнинг молиявий муаммоларини ечишда ёрдам бериш оддий ҳолга айланди. Эндиликда банкда анъанавий хизмат турларидан ташқари миллий ва чет эл валюталарида кредитлар бериш, лизинг амалиётлари, экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш, қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётлар олиб борилаяпти. Мижозларга қулайлик яратиш мақсадида эса банк тизимида «Банк — мижоз», «Овозли ахборот тизими» ҳамда «СМС – банкинг» дастурлари кенг қўлланилмоқда. Айни шу хизмат турлари орқали мижоз хоҳлаган вақтида банкка келмасдан, уяли алоқа телефони орқали ҳисоб рақамидаги маълумотларни олиши мумкин.

«Ҳамкорбанк»нинг жаҳондаги йирик молия ташкилотлари, жумладан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси билан яқиндан ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Жорий йилнинг февраль ойида ЕТТБ билан 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги шартномани имзолаган эди. Бу шартнома халқаро савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорларга катта имкониятлар эшигини очди. Жумладан, дунёнинг исталган давлатидан маҳсулотни олиб келиш учун тўланиши лозим бўлган маблағни импортёр бир қанча муддатдан кейин тўлаши ЕТТБ томонидан кафолатланган. Бу савдо амалиётида бўлган таваккалчиликни камайтиради, турли хатарларнинг олдини олади, яъни маҳсулот тўлиқ келмасдан туриб, мижоз ҳеч қандай тўловни амалга оширмайди. Қачонки, маҳсулот тўлиқ ҳамда ҳеч қандай камчиликларсиз келган тақдирдагина тўлов амалга оширилади, унгача эса банк кафолати амалда бўлади.

Кредитлар баракаси

«Ҳамкорбанк» бутун мамлакат бўйича кенг тарқалган филиал тармоқлари орқали тадбиркорлик тузилмаларига хизмат кўрсатиб келмоқда. Банк томонидан ўз маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда хорижий маблағларни жалб қилиш йўли билан тадбиркорларга қисқа ва узоқ муддатли кредит ва микрокредитлар берилаяпти. 2006 йил 1 июль ҳолатига кўра, банк кредит портфелининг 41 фоизини кичик ва микрокредитлар ташкил этди. Йил бошидан бошлаб эса кредитлар қолдиғи 2 084 миллион сўмга етди. Банк аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Фақат кейинги бир йилнинг ўзида 1451 нафар тадбиркор аёлга 2921.0 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди. Масалан, Фарғона вилояти, Данғара туманида истиқомат қилувчи Очахон Жалолдиновага «Ҳамкорбанк»нинг Қўқон филиали томонидан 2003 йилдан бошлаб ҳозиргача беш маротаба айланма маблағларни кўпайтириш ва ишлаб чиқариш учун асосий воситалар сотиб олишга кредит ажратилган. Тадбиркор аёл кредит эвазига пиллани қайта ишлайдиган ва бошқа тўқув дастгоҳлари сотиб олиб, атлас тўқиш цехини ишга туширди. Кредитлаш даврида атиги уч нафар ишчи билан иш бошлаган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 36 нафарга етди. Бугун бу мижоз ўз цехида ишлаб чиқараётган миллий атлас ва адрас матолари билан Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги бозорларни тўлдириб келмоқда.

Ўн беш йил давомида «Ҳамкорбанк» ўз кредити билан жуда катта бунёдкорлик ва яратувчилик ишларига ҳам сабабчи бўлди. Хусусан, Термиз филиали томонидан «Сурхондарё қурилиш саноат инжиниринг» хусусий компаниясига 100 миллион сўм миқдорида кредит ажратилган эди. Бу маблағ ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қурилиш ишларини амалга ошириш, шунингдек, пластик эшик-ром тайёрлаш, замонавий мебелларни йиғиш, тикувчилик билан шуғулланиш йўлга қўйилди.

«Ҳамкорбанк»нинг кредитлари асосида, шунингдек, «Мобител» масъулияти чекланган жамияти Бавария технологияси асосида пиво ишлаб чиқаришни ўзлаштирди, «Бухоро парранда» акциядорлик жамияти эса олинган кредит эвазига ишлаб чиқаришни кенгайтириб, кунига 70 минг дона тухум тайёрлай бошлади.

Банкдан кредит олиб, ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтираётган бундай корхоналар кўпчиликни ташкил этади. Бу ўз навбатида банкнинг мижозлари сони йилдан-йилга кўпайиб боришини таъминлаётир.

Аҳолининг иқтисодий қийинчиликларини бартараф қилиш, истеъмол товарларига бўлган талабини қондириш мақсадида банк истеъмол кредитини ҳам йўлга қўйган.

Натижада 580 нафар киши шу асосда энг замонавий уй-рўзғор буюмларига эга бўлди. Бунинг учун банк томонидан 326 миллион сўм ажратилди. Банк томонидан берилган автокредит туфайли эса 1186 нафар киши енгил автомашина сотиб олди.

«Ҳамкорбанк» тарихида биринчи марта 1998 йили «Андижонтранс» бирлашмасига 20 та «Дамас» автомобили лизингга олиб берилган эди. Бу иш давом эттирилиб, кейинги йилларда 45 та хўжалик юритувчи субъектга 1138,5 миллион сўмлик техника ва технологик жиҳозлар олиб берилди. Бу ўз ўрнида ички бозор учун турли маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда янги иш жойларини кўпайтиришга олиб келди.

Акциялар — даромад манбаи

«Ҳамкорбанк» мижозларга кенг кўламда қимматли қоғозлар билан боғлиқ хизматларни ҳам кўрсатиб келмоқда. Дилерлик, брокерлик, депозитарий, қимматли қоғозларнинг номинал сақловчиси, эмитентларнинг акциядорлар реестрини юритувчиси, инвестиция андеррайтинг хизматлари ана шулар жумласидан.

Банкнинг акциядорлар сони 3885 та бўлиб, шундан 1010 таси юридик, 2875 нафари жисмоний шахслардир.

— Мен 1994 йилда 25 сўмлик акция сотиб олгандим, — дейди банк акциядорларидан бири Расулжон Назиров. – Кейинчалик кўпроқ акция олдим, олдинига бир ўзим акциядор бўлган бўлсам, ҳозир 12 нафар ўғил-қизларим ҳам акциядор. Банк акцияларимиз учун оралиқ дивидендларни ҳеч канда қилмасдан бериб келмоқда. Ана шу дивидендлар ҳисобига уч марта тўй ўтказдим. Пулни сандиқда сақлащдан ҳеч фойда йўқ, банкда турса, пул ишлаб туради. Ўзингга ҳам, эл-юртга ҳам нафи тегади. Мен банк акцияларини олиб, кам бўлмадим.

Чакана хизматлар бозорида

Ўн беш йил давомида банкда янги-янги чакана хизматлар шаклланди. Банкнинг ривожланиш стратегиясига кўра, бундай хизмат турларини янада ривожлантириш кўзда тутилган. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш, омонат жамғармалари, кредитлаш, пул ўтказмалари, лизинг хизмати шулар жумласига киради.

«Ҳамкорбанк» халқаро пул ўтказмаларини амалга оширувчи донор банк ҳам ҳисобланади. Банкда, ҳар қандай шароитдан қатъи назар, валютага бўлган эҳтиёжнинг тўхтовсизлиги таъминланмоқда. Бир вақтнинг ўзида 5 турдаги пул ўтказмаларининг ишлаши йўлга қўйилгани, барча филиаллар ва мини банкларда «Вестерн юнион», «Анелик», «Контакт», «Тезкор почта», «Юнистрим» пул ўтказмалари ишлаб тургани бунинг исботидир.

Мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб борган сари омонатга қўйилган маблағ ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Мисол учун, 2005 йил 1 июль ҳолатига кўра, аҳоли омонатлари 16 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2006 йил 1 июлга келиб, 26,5 миллион сўмга етказилди. Жорий йилда эса аҳолига қулай бўлган «Барқарор» ва «Барқарор кўрсатувчига» номли омонатлар жорий этилди.

Бундан ўн беш йил муқаддам, яъни 1992 йил 1 январь ҳолатига кўра, омонат қолдиғи 220 минг рублни ташкил қилиб, омонатчилар сони атиги 24 кишидан иборат эди. Бугунги кунда омонатчилар сони 26 936 нафарга етди. Жами омонатлар қолдиғи эса 27,4 миллиард сўмдан иборатдир.

Айни чоғда «Ҳамкорбанк»да валюта омонатларини қабул қилишда ҳам республика миқёсида энг юқори фоиз тўловларини «Универсал» ва «Тақдим этувчига» омонатлари орқали таклиф этиб, аҳоли қўлидаги валютани иқтисодиётга йўналтиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига кўра эса, банкдан ташқари пул маблағларининг оборотини қисқартириш мақсадида чакана савдо, коммунал ва бошқа хизмат турларига тўловлар карточкалар орқали амалга оширилмоқда.

Айни кунларда республика бўйича банкнинг 80 га яқин терминали аҳолига хизмат кўрсатаяпти. Мижозлар қўлида эса салкам 9400 та карточка мавжуд. Йил охиригача жойларда яна 80 та терминал ўрнатилади, қўшимча 10 мингта карточка муомалага чиқарилади.

Қисқаси, «Ҳамкорбанк» жамоаси ҳар доимгидек, бундан кейин ҳам аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга замонавий банк хизматларини кўрсатаверади.

«Ҳамкорбанк» матбуот хизмати.

DELTA·BI EX
UZBEK EXHIBITION COMPANY
ЗАЩИТА И СПАСЕНИЕ · 2006
МЕЖДУНАРОДНАЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКАЯ ВЫСТАВКА
ОФИЦИАЛЬНАЯ ПОДДЕРЖКА
Государственное предприятие "UZMAKHSUSIMPEX"
26-28 сентября 2006 года
Тел. (99897) 330-48-00.
Факс (99871) 144-16-87.
E-mail: delta@uzpak.uz
МЕСТО ПРОВЕДЕНИЯ: ТПК "НАВРУЗ"
* технические средства обеспечения безопасности,
* антитеррористическое оборудование,
* средства защиты информации, * спасения при ЧС и пожарной охраны,
* обеспечения банковской и промышленной безопасности.
Бизнес-партнеры: infoCOM.UZ
ООО "NOVITA-EDMG"

BELARUS®
МИНСК ТРАКТОР ЗАВОДИ
Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали
МТЗ «Беларус» ТРАКТОРЛАРИ
МИНИ ТЕХНИКА ва УЛАР УЧУН ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.
KAMMAZ ARSENAL
Тошкент ш., «Братислава» к., 11.
Тел.: 361-40-33, 361-40-90.
факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

РОССИЯНИНГ «НАРА» ВА ЖАНУБИЙ КОРЕЯНИНГ «SUMO» ЗАВОДЛАРИ
РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТЕРИ
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН
ЁНИЛҒИ ҚУЙИШ МОСЛАМА (БЕНЗОКОЛОНКА)ЛАРИНИ СОТАДИ.
НАРА™
Мосламалар сифатга сертификатланган ва тўлиқ кафолатланади.
Малакали мутахассислар томонидан ўрнатиб бериш таъминланади.
Тел: (99871)144-28-44, 144-28-11, 144-28-33, 189-65-53.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли Қарорига мувофиқ, «Miller Trading GmbH» (Швейцария) компаниясини молиявий маслаҳатчи сифатида жалб этган ҳолда

«ЭЛЕКТРКИМЁСАНОАТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

49% акциялар пакетини сотиш бўйича очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади.

«Электркимёсаноат» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 49 (қирқ тўққиз) фоизини ташкил этувчи 1 224 813 (бир миллион икки юз йигирма тўрт минг саккиз юз ўн уч) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 21 630 554 (йигирма бир миллион олти юз ўттиз минг беш юз эллик тўрт) АҚШ доллари. «Электркимёсаноат» ОАЖнинг 49% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«Электркимёсаноат» ОАЖ Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрида жойлашган. Корхона 1940 йилда ишга туширилган. «Электркимёсаноат» ОАЖ катталиги жиҳатидан Ўзбекистон Республикасида иккинчи йирик азот ўғитларини ишлаб чиқарувчи корхона ҳисобланади. Корхонанинг асосий маҳсулот турлари бўлиб, суюқ аммиак, азот кислотаси, аммиак селитраси, карбамид, сульфат аммоний ва капролактам ҳисобланади.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилларнинг бирига мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 10 ноябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2006 йил 10 ноябрда Тошкент вақти билан соат 15.00 да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ИШЧИ ОРГАНИ:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси, 700003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

МОЛИЯВИЙ МАСЛАҲАТЧИ:

«Miller Trading GmbH» (Швейцария) Ўзбекистондаги ваколатхонаси, 700070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 41-«А» уй.
Ваколатхона раҳбари Сергей Евгеньевич Москаленко эътиборига.
Телефон: +998 (71) 152-40-15.
Факс: +998 (71) 152-40-11.
Эл. почта: fm@marvel.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006 and with the participation of the Miller Trading GmbH (Switzerland) as the Financial Advisor, hereby announces the Open Tender for Privatization Sale of the 49% Share Package

OF JOINT STOCK COMPANY «ELECTRKIMYOSANOAT»

1 224 813 (one million two hundred twenty four thousand eight hundred thirteen) shares of common stock of JSC "Electrkimyosanoat" constituting the aggregate of 49% of the Company's total issued shares are being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 21 630 554 (twentyone million six hundred thirtythousand five hundred fiftyfour) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 49% of shares of the Companyand to take upon the highest value of investment obligations.

The JSC "Electrkimyosanoat" is situated in Chirchik city, Tashkent region. It was started in 1940. The JSC "Electrkimyosanoat" is the second largest nitrogenous mineral fertilizer producer in Uzbekistan. The main products manufactured by the enterprise are liquid ammonia, nitric acid, ammonium nitrate, carbamide, ammonium sulphate and caprolactam.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact one of the addresses indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 10, 2006.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 10, 2006.

For all issues related to the tender, please contact:

THE WORK BODY OF THE STATE PROPERTY COMMITTEE:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg., 7th Floor
Uzbekistanskaya str. 55,
700003 Tashkent, Uzbekistan
Attention: Mr. Erkinjon S. Foziljonov
Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

FINANCIAL ADVISOR:

Miller Trading GmbH (Representative office)
41-A, Glinka str., 700070, Tashkent,
Republic of Uzbekistan
Attention: Mr. Sergey E. Moskalenko
Head of representative office
Telephone: +998 (71) 152 40 15
Fax: +998 (71) 152 40 11
E-mail: fm@marvel.uz

Оқгул Ва Ирода ярим финалда

Пойтахтимизда теннис бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионати ҳал қилувчи паллага кирди.

Унда ҳамюртларимиз совринли ўринлар учун курашларни давом эттирмоқда. Кеча чорак финал баҳслари бўлиб ўтди. Юртдошларимиздан Ирода Тўлаганова Хитой Тайпейи вакили Чин Вей Чанни (2/6, 6/2, 6/4), Оқгул Омонмуродова эса яна бир Хитой Тайпейи теннисчиси Чиа Жунг Чуанг (3/6, 6/4, 7/5)ни доғда қолдириб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди.

Эркаклар ўртасидаги беллашувларда Денис Истомин ярим финалга чиқди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақанинг яккалик баҳслари ғолиблари қитъа чемпиони бўлиш билан бирга, теннис оламининг энг нуфузли мусобақаларидан бири — «Australian open» йўлланмасига эга бўлишади.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.

Мавзуга қайтиб

Таҳририятимизга Самарқанддаги вилоятлараро «Усто» бирлашмасининг бир гуруҳ усталаридан қуйидаги хат келди:

«Биз ўз фикрларимизни баён этишдан аввал «Халқ сўзи» газетасининг 2005 йил 7 январь сонида «Унмаётган қарз» ва 10 август сонида «Ишлаганнинг айби нима?» сарлавҳали мақолалар чоп этилгани, уларда жамоамиз манфаатлари ҳимоя қилингани учун газета таҳририятига миннатдорчилик билдирамиз. Мазкур мақолалардан сўнг Термиз шаҳар ҳокимлиги Сурхондарё вилоят хўжалик судининг қарорини бажаради, деб ўйлаган эдик. Афсуски, бундай бўлмади.

АРОСАТДА ҚОЛГАН УСТАЛАР

2001 йилда Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи муносабати билан олиб борилган бунёдкорлик ишларида қатнашган бошқа корхоналар ҳам бизнинг ҳолатимизга тушиб қолибди. Буни биз газетангизда эълон қилинган Қибрай туманидаги «Ижод» хусусий корхонасининг раҳбари Эргаш Сафаровнинг «Сурхондарёнинг ўз қонуни борми?» деб номланган мақоласидан билиб олдик. Наҳотки, бажарилган иш, тузилган шартнома аҳамияти ва масъулияти ҳис этилмаса...»

Аввалги мақолаларимизда таъкидлаганимиздек, самарқандлик усталарни нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам яхши билишади. Париж, Лондон, Москва, Санкт-Петербург каби шаҳарлардаги бир неча биноларда ганчкорлик санъати билан улар ўз номларини қолдиришган.

Бирлашма усталари Термизнинг юбилейига тайёргарлик ишларида фаол иштирок этишди. Улар шартнома асосида шаҳардаги «Амфитеатр» биноси ва вилоят ҳокимлиги меҳмонхонаси қурилишида ганчкорлик ишларини бажаришди. Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармасининг 13889567 сўмлик, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қарзини 10237600 сўмлик ишларини ўз муддатида ниҳоясига етказишди. Бажарилган ишлар юзасидан топшириш-қабул қилиш далолатномалари тузилди. Аммо орадан беш йилдан кўпроқ вақт ўтаяптики, Термиз шаҳар ҳокимлиги самарқандлик усталарнинг иш ҳақини тўлашдан бош тортиб келаяпти.

Нега?

— Газетадаги дастлабки мақола — «Унмаётган қарз» чоп этилгандан сўнг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қарзини тўлади, — дейди вилоятлараро «Усто» бирлашмаси раҳбари Жўрақул Иноятов. — Аммо Термиз шаҳар ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси 7 миллион 62 минг 45 сўм қарзини тўлашни ҳамон пайсалга солиб келаяпти. Биз судга мурожаат қилганимиздан сўнг 2004 йилнинг февралида Сурхондарё вилоят хўжалик судида иш кўрилиб, даъвомиз қондирилганди. Шундан сўнг Сурхондарёда бир неча бор бўлдим. Мутасадди раҳбарлар билан учрашиб, суд қарори нега бажарилмаётгани билан қизиқдим. Афсус, улардан тайинли жавоб ололмадим.

Раҳбарларнинг таъкидлашларича, тегишли юқори ташкилотлар пул берса, улар қарзини тўлар эмиш. Аммо икки ташкилот тузган шартномада бундай банд йўқ. Иш бажарилгач, ҳақини тўлашга келишилган.

Суд қарорининг ижроси таъминланмагач, Сурхондарё вилоят суд ижроси департаменти бошлиғи Аҳмаджон Худойбердиев 2005 йилнинг 26 январида суд ижро варақасини «Ипотека-банк»нинг Термиз шаҳар бўлимидан чақириб олади. Ва даъвогарга Термиз шаҳар капитал қурилиш бошқармаси ва Термиз шаҳар ҳокимиятининг мулкини мусодара этиш орқали унинг ижросини таъминлашга ваъда беради. Аммо орадан бир ярим йил ўтса-да, бу ваъда ҳам ваъдалигича қолиб кетаяпти.

Самарқандлик усталар таъкидлаганидек, қибрайлик хусусий корхона раҳбари Эргаш Сафаров шу кўйга тушганлардан бири. Эргаш Сафаров корхонаси ҳам Термиз юбилейига ҳозирлик ишларида қатнашган. Жами 215 миллион сўмлик иш бажаришган. Аммо вилоят ва шаҳар капитал қурилиш бошқармалари, вилоят касаба уюшмалари кенгаши, Термиз тадбиркорлар палатаси раҳбарлари қарзларини тўлашни ўйлашмаган.

Термизга қатнайвериб чарчаган Эргаш Сафаров ҳам судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Сурхондарё вилоят хўжалик суди буюртмачи ташкилотлар тегишли қарзни, шунингдек, муддати ўтказиб юборилгани учун ҳар кун ҳисобига 0,4 фоиздан пеня тўлаш лозимлиги ҳақида қарор чиқаради.

Аммо ҳозиргача қибрайлик усталар 169 миллион сўмлик иш ҳақларини ололганича йўқ. Корхона раҳбари Эргаш Сафаровнинг маълум қилишича, ҳозир вилоятда ўша пайтдаги мутасадди раҳбарлар ўрнида янгилари ишлаяпти.

— Бу ишларга бизнинг дахлимиз йўқ, дейишгача боришаяпти улар, — дейди Эргаш Сафаров. — Қизиқ, мутасаддилар ўзгарса, қонунлар ўзгармаган-ку!

Хуллас, Сурхондарё вилояти ва Термиз шаҳар раҳбарларининг оддий меҳнаткашларга — хусусан, халқ амалий санъати усталарига бўлган муносабатнинг қай даражадалигини юқоридаги мисоллар кўрсатиб турибди. Оддий устанинг ўз меҳнат ҳақини вақтида ололмаслиги, унинг моддий имкониятларигагина эмас, ижодий қобилиятига ҳам салбий таъсир этиши бор гап. Аммо сурхондарёлик раҳбарлар ўзбек халқининг узоқ даврлардан буён эъзозлаб келинаётган халқ амалий санъатининг мушкул аҳволга тушиб қолиши мумкинлигига бутунлай бефарқ. Ҳатто улар шу пайтга қадар мамлакатимиз Президенти томонидан 2002 йил 19 мартда қабул қилинган «Иш ҳақининг ўз вақтида тўланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан ҳам бехабарга ўхшайди.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ,
Абдурасул САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Спорт

Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш учрашувининг навбатдагисини сафарда Гонконг футболчиларига қарши ўтказди. Беллашув нурсиз ҳисоб (0:0) билан якунланди.

Гонконг – Ўзбекистон (0:0):

Умид сўнган эмас

Гуруҳдаги яна бир ўйинда Қатар терма жамоаси ўз майдонида Бангладешни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, муддатидан олдин Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Энди иккинчи йўлланма учун Гонконг ва Ўзбекистон терма жамоалари баҳс юритади. Ҳамюртларимиз 11 октябрда сафарда Бангладеш, 15 ноябрда эса Тошкентда Қатар мамлакати футболчиларига қарши тўп суради. Гонконг терма жамоаси 11 октябрь куни сафарда Қатар, 15 ноябрь куни ўз майдонида Бангладешни қабул қилади. Демак, имкониятлар деярли тенг. Агар гуруҳ баҳслари якунида Ўзбекистон ва Гонконг терма жамоалари бир хил очко жамғаришса, ўзаро ўйинлар натижасига эътибор қаратилади. Бунда дуранглар ҳисоби Гонконг фойдасига ҳал бўлиши мумкин.

Эсингизда бўлса, Осиё чемпионати саралаш учрашувларига қуръа натижалари маълум бўлгач, ўзбекистонлик футбол ихлосмандлари анча енгил тортишган эди. Чунки, юртдошларимизга бу сафар ҳам омад кулиб боқиб, унча кучли жамоалар жамланмаган (Қатар, Ўзбекистон, Гонконг, Бангладеш) гуруҳдан жой олишганди. Кўпчилик мутахассислар муддатидан олдин Қатар ва Ўзбекистон кейинги босқичга йўл олади, деб башорат қилганди. Афсуски, бугун бу башоратлар ўзини оқламади. Йил бошида Ўзбекистон Футбол федерацияси томонидан катта ниятлар билан терма жамоага жалб этилган мураббий Валерий Непомнящий ўз олдига қўйган вазифани уддалай олмаяпти. Хўш, омадсизликлар сабаби нимада? Бизнингча, биринчи навбатда рақиб имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмаяпти. Хабарингиз бор, Гонконг футболчилари Ўзбекистон билан ўйин олдидан кўплаб ўртоқлик учрашувларида қатнашди. Миллий терма жамоамиз эса, бирорта ўртоқлик учрашуви ўтказмади. Тошкентда қайд этилган дуранг (2:2) натижадан сўнггина Таиланд билан ўртоқлик учрашуви уюштирилди.

Қолаверса, ҳалиям легионерлар муаммоси тўлиқ ҳал этилмаяпти. Мусобақа бошланишига саноқли кунлар қолганда етиб келадиган, ўз клубларининг заҳирасида ўтирадиган легионерлар миллий терма жамоамизга ёрдам беролмасликларига яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Умидимиз, қолган икки учрашувда Ўзбекистон нималарга қодирлигини кўрсатиши керак. Бундай синовлардан терма жамоамиз ҳамиша муваффақият билан ўтиб келган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Аёл — оила посбони

Халқимизда «Эркак — оила таянчи, аёл — оила посбони» деган гап бор. Оила таянчи ҳарбий хизматчи бўлганда эса аёлнинг зиммасидаги масъулият янада ошади.

У кўпинча рўзғор, бола тарбияси билан боғлиқ ишларнинг асосий қисмини ўз зиммасига олади, шу билан бирга, оила бошлиғининг ҳарбий хизматни мукаммал адо этиши учун шароит ҳам яратиши керак. Бунинг устига зобитнинг рафиқаси ўз касби бўйича ишласа, яна ҳам яхши.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида ташкил этилган ўқув-услубий семинарда мана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда мамлакатимизнинг Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларидаги ҳарбий қисмларнинг ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш бўлимлари бошлиқлари иштирок этдилар. Улар айни пайтда қисм хотин-қизлар кенгашларининг раислари ҳам ҳисобланишади.

Семинарда сўзга чиққанлар мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оилани мустаҳкамлаш соҳасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳадаги долзарб вазифалар ҳақида гапирдилар. Семинар қатнашчилари ўзларининг ҳарбий хизматчилар оила аъзолари билан ишлаш соҳасида тўпланган ижобий тажрибаларини ўртоқлашдилар.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги ПҚ-407-сонли Қарорига мувофиқ,

«YO'LREFTRANS» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ

47% акциялар пакетини сотиш бўйича очиқ тендер ўтказилишини эълон қилади.

«YO'LREFTRANS» ОАЖнинг корхона томонидан чиқарилган барча акцияларининг 47 (қирқ етти) фоизини ташкил этувчи 10 287 035 (ўн миллион икки юз саксон етти минг ўттиз беш) дона оддий акциялари сотувга қўйилади. Акцияларнинг бошланғич баҳоси — 17 334 744 (ўн етти миллион уч юз ўттиз тўрт минг етти юз қирқ тўрт) АҚШ доллари. «YO'LREFTRANS» ОАЖнинг 47% акцияларига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган компания устунликка эга бўлади.

«YO'LREFTRANS» ОАЖ Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳрида жойлашган. Корхона 1978 йилда ташкил топган ВЧД-15 рефрижератор вагон депоси ўрнида, Ўрта Осиё темир йўллари бошқармаси таркибида мустақил тизим вакили сифатида барпо этилди. Унинг асосий фаолияти тез бузиладиган юкларни рефрижераторли вагонлар ёрдамида ташиш ҳамда депо, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишдан иборат.

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Сўровномалар билан қуйида келтирилган манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Информацион меморандум, тендерни ўтказиш қоидалари ва тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2006 йил 10 ноябрда Тошкент вақти билан соат 12.00 да тугайди.

Тендер таклифларини очиш 2006 йил 10 ноябрда Тошкент вақти билан соат 15.00 да Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ИШЧИ ОРГАНИ:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
700003, Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 55-уй,
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.

Бош директор Фозилжонов Эркинжон Собиржон ўғли эътиборига.
Телефон: +998 (71) 139-22-51.
Факс: +998 (71) 139-22-79.
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

INVITATION TO TENDER

STATE COMMISSION FOR CONDUCTING TENDERS ON THE SALE OF THE STATE ASSETS TO THE FOREIGN INVESTORS

based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan #PP-407 dated July 10, 2006 hereby annouces the Open Tender for Privatization Sale of the 47% Share Package

OF JOINT STOCK COMPANY «YULREFTRANS»

10 287 035 (ten million two hundred eighty seven thousand thirty five) shares of common stock of the JSC "YULREFTRANS" constituting the aggregate of 47% of the Company's total issued shares being offered for sale. Starting bidding price for the said package of shares is not less than 17 334 744 (seventeen million three hundred thirteen four thousand seven hundred fortyfour) US Dollars. At that, the preference will be given to the company ready to offer the highest bid for the 47% of shares of the Company and to take upon the highest value of investment obligations.

JSC "YULREFTRANS" is situated in Sirdarya city, Sirdarya region. The enterprise was founded on the basis of refrigerator wagon depot VCHD-15, formed in 1978, as an independent entity in the structure of Administration of Central Asian railways. The main activities of enterprise are transportation of perishable freights in refrigerator trains, as well as carrying depot, major and current repairs of trains.

Investors interested in participating in the tender shall first submit a properly completed and signed Application for participation and Confidentiality Statement. With the inquiries please contact the address indicated below.

The Tender Documentation package including Information Memorandum, Tender Rules, Bid Form can be obtained upon payment made for it, by presenting to Case-by-Case Privatization Bureau the completed and signed Application and Confidentiality Statement together with a copy of the document confirming the payment effected.

The Bid submission deadline expires at 12 a.m. Tashkent time on November 10, 2006.

Opening of the packages with Tender Bids will be held in the Meeting Hall of the State Property Committee of the Republic of Uzbekistan (5th floor) at 3 p.m. Tashkent time on November 10, 2006.

For all issues related to the tender, please contact:

THE WORK BODY OF THE STATE PROPERTY COMMITTEE:

CCPB, Case-by-Case Privatization Bureau
State Property Committee Bldg.,
17th Floor Uzbekistanskaya str. 55,
700003 Tashkent, Uzbekistan

Attention:
Mr. Erkinjon S. Foziljonov Director General
Telephone: +998 (71) 139 22 51
Fax: +998 (71) 139 22 79
Email: ccpbuz@tps.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.00 23456